

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.12.2019. Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМРАҚУЛОВА ШОХИСТА ШАМШИДИНОВНА

**ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ЎЗБЕКЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА ФАН
ВА МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ
(1925-2015 йй)**

07.00.03 – Жаҳон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Хамрақулова Шохиста Шамшидиновна

Қозоғистондаги ўзбекларнинг республика фан ва маданияти ривожига
қўшган ҳиссаси (1925-2015йй).....3

Хамрақулова Шохиста Шамшидиновна

Вклад казахстанских узбеков в развитие науки и культуры республики (1925-
2015 гг.).....25

Khamrakulova Shokhista Shamshidinovna

The contribution of Uzbeks in Kazakhstan to the development of science and
culture of the republic (1925-2015).....48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.12.2019. Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМРАҚУЛОВА ШОХИСТА ШАМШИДИНОВНА

**ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ЎЗБЕКЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА ФАН
ВА МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ
(1925-2015 йй)**

07.00.03 – Жаҳон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Tar556 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.beruni.uz ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ашраф Ахмедов
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий тақризчилар:

Фармонов Раҳмон Фармонович
тарих фанлари доктори, профессор

Шадманова Санобар Базарбаевна
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Абу Райҳон Беруний номидаги ЎЗР ФА Шарқшунослик институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tar.44.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 79-уй, Тел.: (99871) 262-54-61; 233-62-01; факс: (99871) 262-52-77; e-mail: beruni1@uznet.net).

Диссертация билан Абу Райҳон Беруний номидаги ЎЗР ФА Шарқшунослик институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 79-уй, Тел.: (99871) 262-54-61.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Абдуҳалимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси т.ф.д, профессор

О.А.Қориев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

Э.З.Нуриддинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида XXI асрда миллатлараро тотувлик, диний ва миллий бағрикенглик рамзи бўлган халқлар дўстлиги, миллатлараро муносабатларни яхшилаш ва ўзаро тинч-тотувликни таъминлаш борасида кенг кўламда ишлар амалга оширилди. Хусусан, бу борада жаҳон тамаддуни марказларидан бири бўлган Марказий Осиё минтақасидаги миллатлараро ва динлараро муносабатлар ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлиб, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида томонларнинг сиёсий иродаси ва муштарак интилишлари туфайли қардошлик, яхши кўшничилик ва стратегик шерикчилик алоқаларини мустақамлаш йўлида амалий натижаларга эришилди

Дунёнинг қатор давлатларидаги илмий марказларда Ўзбекистондан ташқарида фаолият кўрсатган ўзбеклар тарихи турли йўналишларда ўрганилмоқда ва бу йўналишда қатор тадқиқотлар юзага келмоқда. Бажарилаётган тадқиқотларда асосан хориждаги ўзбеклар диаспораси шаклланиши ва ривожланиши, «хорижий ўзбеклар», «муҳожир ўзбеклар» мавзуси бўйича қисман уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муаммолари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикасига 2017 йил 22-23 март кунлари уюштирилган биринчи давлат ташрифи натижаси ўлароқ¹ Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик янги сифат босқичига кўтарилди. «Ўзбек ва қозок халқларини кўп асрлик қондошлик ришталари, муштарак тарих ва тақдир, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради. Халқларимизнинг Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Хожа Аҳмад Яссавий, Абай Қўнонбоев, Ойбек ва Мухтор Авезов, Ғафур Ғулом ва Собит Муқонов каби улуғ намоёндалари ва бошқа кўплаб атоқли олимлари, мутафаккиру шоирлари мероси бизнинг умумий бойлигимиздир. Биз бу маънавий меросни асраб авайлашимиз ва бойитишимиз лозим»². Шу жиҳатдан, ҳозирга қадар Қозоғистондаги ўзбекларнинг республика фан ва маданияти ривожига кўшган ҳиссасини ёритиш борасида улар фаолият кўрсатаётган соҳа йўналишларидаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йилнинг 17 феввалидаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимининг катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б. 590.

² Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон – Қозоғистон: Азалий дўстлик ва стратегик шерикликка асосланган алоқалар // Халқ сўзи. 2019 йил. 14 апрель.

белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хориж ўзбекларининг тарихи мустақиллик даврида бир қатор Ўзбекистон тарихчилари томонидан маълум даражада ўрганилган ³. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ, М.Ҳашимов, С.Жалиловларнинг изланишларида эса Қозоғистонда туғилиб ўсган исломшунос ўзбек олимлари тўғрисида жуда ҳам кам маълумотлар учрайди⁴. Аммо, айнан Қозоғистондаги ўзбеклар республикамиз тарихчилари томонидан алоҳида илмий объект сифатида тадқиқ этилмаган.

Мазкур мавзу доирасида Қозоғистонда амалга оширилган ишларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда совет даври тадқиқотлари *биринчи гуруҳ*ни ташкил этади. Совет даври тадқиқотларидан Л.М.Асылбеков, Б.А.Галиев, Н.В.Алексеев ва Б.Нурлыбековларнинг ишларида Қозоғистондаги ўзбеклар тўғрисидаги баъзи маълумотлар келтирилган⁵.

Иккинчи гуруҳ мустақиллик даврига оид ишлар бўлиб, Қозоғистондаги ўзбекларнинг тарихи ва фаолиятига оид маълумотлар М.Мирхолдорев, А.К.Муминов, И.А.Ҳошимжонов, Н.Ш.Алметов, М.Мусаевларнинг ишларида акс этган ⁶. Шунингдек, Қозоғистон ўзбеклари тўғрисида

³ Аъзамова Г.А. Узбеки за рубежом: социально-политические и правовые проблемы. Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Тошкент. 1995; Зиёев Ҳ.З. Волга ва Урал бўйидаги ўзбеклар. Тошкент: Фан, 1963; Ўша муаллиф. Ўрта Осиё ва Сибир. Тошкент: Фан, 1964; Ҳашимбеков Х. Узбеки северного Афганистана. Москва. 1994; Рустам Обид. Яқиндаги йириклар ёки Сибир ўзбеклари хусусида // Саодат. 1992. №-12. – Б. 24; Кучимов А. Сехрли диёр (АҚШ ўзбеклари ҳақида) // Ёш ленинчи. 1991 йил. 24-июль; Ориф Усмон. Хуросонлик ўзбеклар // Мулоқот. 1991. №-3; Шамсиева И.М. Америкадаги туркистонлик ўзбеклар ҳақида / Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва тарихий жараёнлар (Илмий тўплам). – Тошкент. 2006. – Б. 68-74; Юсупов А. Хориждаги ўзбеклар // Ёшлик. 1990. №-2; Мавлон Шукурзода. Америкалик ўзбеклар. Тошкент: Фан, 2007. – Б. 279; Ҳайитов Ш.А., Собиров Н.А., Легай А.С. Хориждаги ўзбеклар. Тошкент: Фан, 1992; Ҳайитов Ш. Ўзбек мухожирлиги тарихи (1917-1991 йиллар). Тошкент. 2008; Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... Тошкент: Шарк, 2001.

⁴ Ҳашимов М. Религиозные и духовные памятники Центральной Азии. Сага. 2001. - С.159-160; Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. Тошкент: Шарк, 2005. -Б.107-109; Жалилов С. Бухорийлар қиссаси. Тошкент: Тошкент ислом университети, 2006. –Б. 153-164.

⁵ Асылбеков Л.М., Галиев Б.А. Социально-демографические процессы в Казахстане (1917-1980). Алма-Ата: Гылым, 1991; Алексеев Н.В. Населения дореволюционного Казахстана (1870-1914 гг.). Алма-Ата. 1981; Нурлыбеков Б. История развития школ Южно-Казахстанского края (1864-1917 гг. и 1917-1924 гг.) // Дисс.канд...пед.наук. - Чимкент. 1964.

⁶ Мирхолдорев М. Ҳазрат Хожа Аҳмад юртида. Тошкент: Фан, 1994; Ўша муаллиф. Чимкент тарихи. Чимкент. 1997; Ўша муаллиф. Сайрам тарихи. Чимкент. 1994; Муминов А.К. Ханафитский мазҳаб в истории Центральной Азии / Под редакцией С.М.Прозорова. Алматы: Қазақ энциклопедиясы, 2015. –С. 400; Ҳошимжонов И.А. Жанубий Қозоғистон вилояти ўзбек маданият марказига 25 йил. Чимкент. 2019; Ўша муаллиф. Шимкент шаҳар ўзбек драма театри 15 ёшда. Шимкент. 2018; Алметова Н.Ш. Продвижение полиязычного и мультикультурного образования в Южном Казахстане. Шымкент. 2011; Мусаева М. Билингвал таълим – мактаб амалиётида // Жанубий Қозоғистон. 2010 йил 18-июнь.

А.Н.Жилин⁷ ўзининг иккита мақоласида, Г.Д.Сугирбаева⁸ эса «Узбекское население Казахстана в 20-30 годы XX века: проблемы истории и культуры» мавзусидаги номзодлик ишида тўхталиб ўтган. Ўзбекистон томони шундаки, А.Н.Жилин ҳам, Г.Д.Сугирбаева ҳам ўзларининг илмий ишларида Қозоғистондаги ўзбекларни «диаспора» сифатида кўрсатишган. Аммо, тадқиқотнинг натижа ва таҳлиллари бизга шуни кўрсатадики, улар «диаспора» эмас, балки илдизи узоқ тарихга бориб тақалувчи туб аҳолидир.

Юқоридаги тадқиқотлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, танланган мавзу Қозоғистон тарихчилари томонидан ҳам ҳали етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур тадқиқот эса хориждаги ўзбеклар тарихининг ҳали ўрганилмаган қирраларини ёритишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Марказий Осиё давлатлари ва халқларининг сиёсий, ижтимоий - иқтисодий ва маданий тарихига оид долзарб муаммолар» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қозоғистондаги ўзбекларнинг республика фан ва маданияти ривожига қўшган ҳиссасини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қозоғистондаги ўзбеклар тарихини ўрганиб, уларни Қозоғистондаги «диаспора» эмас, балки этник ўзбеклар эканлигини кўрсатиш;

Қозоғистондаги этник ўзбекларнинг республика бўйлаб жойлашуви ҳамда уларнинг сонини аниқлаш;

Қозоғистондаги этник ўзбекларда миллий мактаблар ва олий таълим фаолиятини ўрганиш орқали миллий таълим масаласини таҳлил этиш;

Қозоғистондаги этник ўзбек олимларининг республикадаги тиббиёт, ижтимоий-гуманитар фанлар, аниқ ва табиий фанлар тараққиётида тутган ўрнини ёритиш;

Қозоғистондаги ўзбек миллий маданият маркази фаолиятини ўрганиш ва миллий марказларни этник ўзбеклар учун аҳамиятини кўрсатиш;

Қозоғистондаги ўзбек миллий матбуоти тарихини ўрганиш ва ҳозирги ҳолатини аниқлаш;

Қозоғистондаги ўзбек маданият вакиллариининг миллий театр, миллий мусиқа санъати ва адабий муҳит ривожига қўшган ҳиссасини илмий асослаш;

тадқиқот натижалари асосида якуний хулосалар чиқариш ҳамда илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Қозоғистон Республикасидаги ўзбеклар, шунингдек, ўзбек олимлари ва маданият арбоблари ташкил этади.

⁷ Жилин А.Н. Узбеки в Южном Казахстане // Современное развитие этнических групп Средней Азии и Казахстана. – Москва: Изд. инст. этн. и атрп., 1992; Жилин А.Н., Тайжанов К.К. Изучению узбекского населения Южного Казахстана (историко-этнографическая характеристика селения Карамурт) // Полевые исследования Института этнографии. - Москва. 1984.

⁸ Сугирбаева Г.Д. Узбекское население Казахстана в 20-30 годы XX века: проблемы истории и культуры. Автореф. дисс. ... канд.ист.наук.- Алматы. 2000.

Тадқиқотнинг предмети Қозоғистон Республикасининг фан ва маданият соҳаларида эришган ютуқларида қозоғистонлик ўзбеклар фаолиятдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий таҳлил, хронологик тизимли таҳлил, оғзаки тарих каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қозоғистон Республикасида яшовчи ўзбекларнинг «диаспора» эмас, балки ирредентлар эканлиги ва уларнинг тарихий илдизлари узоқ асрларга бориб тақалувчи маҳаллий аҳоли эканлиги илмий асосланган;

тиббиёт соҳасида ўзбек олимлари томонидан Қозоғистонда юрак пластик операциясига асос солингани ҳамда туғма юрак хасталиги (порок)ни поликлиника шароитида даволаш усули ишлаб чиқилганлиги ва бу усул Қозоғистонда кенг татбиқ этилгани очиб берилган;

нерв толалари, бош ва орқа мияда муваффақиятли микрохирургик операциялар ўтказиб, республикада микрохирургик нейрохирургияга асос солингани аниқланган;

ошқозон-ичак тракти, кўкрак ости органлари ва кичик тоз касалланиш ҳолларида даволаш операцияларининг янгича усуллари жорий этилгани. Қозоғистонда биринчилардан бўлиб, пешоб йўли, йўғон ичак, қизилўнғач раки, қовуқ шишида сонияли – тезкор операцияларни самарали йўлга қўйилганлиги кўрсатиб берилган;

аниқ ва табиий фанлар соҳасида этник ўзбек олимлари Қозоғистонда ширинмия ўсимлиги илдизи асосида яллиғланишга қарши юксак самарали «Глидеринин» фитопрепаратини, гепатит хасталигида иммун тизимини яхшилаш ва бошқа касалликларда ишлатиладиган «Рувимин» дорисини ишлаб чиқарганлари; қишлоқ хўжалигида «Туркистон-2» уруғ нави ва «Нур-1» янги ғўза навларини; чорвачиликда қорақўлча ишлаб чиқаришда 5 та кашфиётни амалга оширганликлари илмий далилланиб, улар Қозоғистонда фармацевтика, пахтачилик ва қорақўлчиликни ривожлантиришга хизмат қилгани очиб берилган;

ўзбек олимлари Қозоғистон (Бойқўнғир)даги космик кемалар парвози учун дош бера оладиган майдон қопламасини ҳамда силикатлар технологияси бўйича тоғ жинслари ва саноат чиқиндиларидан шиша кристалларини ишлаб чиқариш учун назарий асос яратганлари аниқланган;

ўзбек миллий маданият марказининг ва иккита миллий театрнинг фаолияти, 12 номдаги газета-журналлар, 10 га яқин ижодий уюшмаларнинг адабий муҳит ривожига ҳамда шоир, ёзувчи, таржимонларнинг ўз ижод намуналари билан ўзбек-қозоқ дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Қозоғистондаги ўзбекларнинг республика фан ва маданияти ривожига қўшган ҳиссасини ёритишда Қозоғистон Республикасининг архив ҳужжатларидан, кутубхоналардаги илмий адабиётлардан, ўзбек миллий

маданият марказлари маълумотларидан кенг фойдаланилган ва илк бор илмий муомалага киритилган;

икки халқнинг қон-қариндошлик, тинч-тотувлик, яхши кўшничлик муносабатларида Қозоғистондаги ўзбекларнинг тутган ўрни юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

совет ва мустақиллик даври тарихини тадқиқ этишда ва ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин бўладиган этник ўзбекларнинг Қозоғистон фан ва маданиятига кўшган ҳиссасини тарихий ҳамда назарий жиҳатдан асослаб берувчи назарий-методологик ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда тарих фанида тан олинган илмий ёндашув ва илмий усуллар асосида бирламчи манба (Қозоғистондаги архив ҳужжатлар, ўтказилган аҳоли рўйхатлари, тадқиқотчининг ўзбек маданият маркази, таҳририят ва театрга ташрифи чоғида олимлару маданият вакиллари билан бўлган учрашувларда тўплаган ёзма, видеоматериаллари) ва адабиётлардан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қозоғистондаги этник ўзбекларнинг совет ва мустақиллик даври тарихига оид услубий ёндашувлар ҳамда назарий хулосаларни мукамаллаштиришга хизмат қилади;

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, у замонавий Қозоғистондаги халқлар тарихини яратишда, Қозоғистон фан ва маданиятида ўзбекларнинг тутган ўрнига оид илмий – маданий жараёнлар тарихини тадқиқ этишда таҳлилий маълумотлар тайёрлашда муҳим манба сифатида фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қозоғистондаги ўзбекларнинг республика фан ва маданияти ривожига кўшган ҳиссасини ўрганиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

Қозоғистонда фаннинг турли соҳалари тараққиётида республикадаги этник ўзбек олимларининг илмий изланишларининг натижалари ва илмий тадқиқотларининг аҳамияти тўғрисидаги илмий хулосалардан Самарқанд музей-қўриқхонаси тизимидаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида ташкил этилган «Қозоғистон манзаралари» мавзуидаги экспозицияда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 3 августдаги 01-12-10-3290-сон маълумотномаси). Натижада Қозоғистондаги илм-фан тараққиётида этник ўзбек олимларининг тутган ўрнини иштирокчиларга тушунтиришда янги билимлар манбаи шаклланишига хизмат қилган;

Қозоғистондаги этник ўзбекларнинг ҳаётида миллий маданият марказларининг, айниқса, ўзбек миллий театрининг тутган ўрни ва унинг аҳамияти тўғрисидаги илмий маълумотлардан Самарқанд вилоят мусиқали драма театрида Чимкент шаҳар ўзбек драма театри томонидан саҳналаштирилган «Қашқир улиган тун» спектаклида фойдаланилган

(Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 8 сентябрдаги 01-12-06-3391-сон маълумотномаси). Натижада томошабинларда Қозоғистондаги ўзбеклар ва ўзбек миллий театрининг фаолияти тўғрисида янги билимлар манбаи шаклланиши баробарида 2017-2021 йилларда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилган;

ўзбек-қозоқ халқлари орасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамашда Қозоғистондаги ўзбек адиблари, таржимонлари ва ижодкорларининг ўрни муҳимлиги билан боғлиқ илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг «Самарқанд садоси» дастуридаги «Дўст билан обод уйинг» эшиттиришида фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 20 апрелдаги № 09-02/172 - сон маълумотномаси). Натижада икки қардош халқ ўрасидаги маданий алоқаларнинг кучайиши дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишига, тинч-тотув қўшничилик алоқаларига хизмат қилиши тўғрисидаги маълумотларни аҳоли кенг қатламига етказишда кўшимча маълумот манбаи бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий анжуманда, шу жумладан 3 та халқаро конференция ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилиниб, синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 8 та мақола (улардан 3 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг ҳажми: Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот ҳажми 158 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қозоғистондаги ўзбеклар ва уларда миллий таълим масаласи» деб номланган биринчи бобининг биринчи банди «Қозоғистондаги ўзбекларнинг жойлашуви» ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлиб, бунда аввало Қозоғистондаги ўзбекларнинг тарихига ҳамда тилига эътибор қаратилади. Ўзбеклар Қозоғистон ҳудудида жуда

кадим замонлардан бери яшаб келади. Худуддаги ўзбек халқи ўзларини сак, турк, ўғуз авлодлари деб билишади⁹.

Қозоғистонлик тарихчи Мираҳмад Мирхолдоровнинг маълумотига кўра, Чимкент ва Авлиёта ўзбеклари қадимдан шу ерда яшаб келган. Қорабулоқдаги ўзбеклар Туркистон шаҳрининг Иқон қишлоғидан, Манкент ўзбеклари Сайрамдан, Туркистон ўзбеклари Хоразмдан Чингизхон ҳужуми арафасида 1217-1218 йилларда (Хоразм аҳолисини, яъни ўлкадаги туркий элатларни) Хоразмшоҳнинг буйруғи билан Ўрта Осиё шаҳарларига, хусусан, ҳозирги Қозоғистон худудларига кўчиртирилган¹⁰. Худудга форслар, араблар, қорахитойлар, Чингизхон бошлиқ мўғуллар, XVIII асрда жунғарлар, 1864 йилда руслар бостириб келганида Қозоғистонда яшайдиган барча халқлар жумладан, ўзбеклар ва қозоқлар ёнма-ён бўлган. XIX аср ўрталарида Қозоғистоннинг Чимкент, Авлиёта, Туркистон шаҳарлари, Сузоқ ҳатто Оқмачитгача бўлган ерлар Кўқон хонлиги таркибида бўлган. Туркистон Россия империяси томонидан босиб олинган, бу худудларда 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Еттисув ва Сирдарё вилоятлари ташкил топган. 1917 йилда Қозоғистонда совет ҳокимияти ўрнатилиб, Еттисув ва Сирдарё вилоятлари 1918 йил ташкил этилган Туркистон АССР таркибига киритилган. 1924 йилда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш натижасида Марказий Осиёнинг туб халқлари «марказ» томонидан атайин кўшни республикалар таркибига аралаштириб юборилган*.

Қозоғистондаги ўзбекларнинг тили тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, икки тиллик бу юртда қадимдан давом этиб келган. Маҳмуд Кошғарий XI асрда Тароз ва Исфижобда икки тилли туркий гуруҳларни таъкидлаган бўлса, В.Бартольд «Исфижобда туркийларнинг икки йирик қавми - ўғузлар ва қарлуқлар яшаган»¹¹ деб ёзган.

Тадқиқотда шу нарса маълум бўлдики, ҳозирги пайтда Қозоғистон ўзбекларида уч хил диалект (лаҳжа) мулоқот воситаси ҳисобланади*. Бу, албатта, Қозоғистондаги ўзбекларнинг тарихи ва худудий жойлашуви билан боғлиқ. Ҳатто Сайрам, Туркистон, Чимкент, Қорабулоқ, Қорамурт ва бошқа жойда яшовчи ўзбекларнинг диалекти ўзаро фарқ қилади. Туркистон ўғуз, Сайрам, Чимкент ва Тошкентга яқин худудларда яшовчи ўзбеклар қарлуқ лаҳжасида сўзлашадилар¹².

Агарда биз уларнинг сўзлашувига эътибор қаратиб, адабий тил билан таққослайдиган бўлсак, айрим сўзларда биров ўзгаришларни кузатамиз.

⁹Тадқиқотчига 2008 йил декабрда М.Мирхолдоров билан бўлган учрашувда олинган видеолавҳа асос бўлади.

¹⁰ Мирхолдоров М. Сайрам тарихи. Чимкент. 1994. – Б. 9.

* Эслатма: 1920 йилда РСФСР таркибида Қирғизистон (Қозоғистон) АССР, 1925 йилда Қозоғистон АССР, 1936 йилда Қозоғистон ССР тузилган.

¹¹ Мирхолдоров М. Чимкент тарихи. Чимкент. 1997. – Б. 5.

* Қозоғистондаги ўзбеклар ўзбек диалектологиясидаги 3 та: қорлуқ, қипчоқ ва ўғуз лаҳжасида сўзлашади.

¹² Ҳамроқулова Ш. Ш. Қозоғистондаги ўзбекларнинг республика фан ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси (1925-2005 йй). Монография. Тошкент: Янги нашр, 2015. - Б. 12.

Масалан, «қабул қилди» сўзини «қабуллади» тарзида, «хўкиз боқади»ни «хўкиз боқимлайди» шаклида қўллаш ҳолатлари учрайди.

Қозоғистондаги ўзбек тилшуноси М.Саидов ўзининг илмий изланишларида республикадаги ўзбеклар тилида қўлланилаётган айрим сўзларни, жумладан, «квитанция» – «тубиртаг» («туб» ва «таг» сўзлари, яъни барча тўловларнинг асоси, туби, таги), «аэропорт» – «қўналға» (самолётлар қўнадиган жой) каби соф кўринишда қўллашга, компьютер «мышка»сини тўғридан тўғри «сичқонча» деб қабул қилиш нечоғлик даражада муқобил эканлигига эътибор қаратган¹³.

Қозоғистон ўзбеклари орасидан А.А.Рустамбеков (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, ЎзССР прокуратура фахрийси), О.Ёкубов, Н.Фозилов, С.Сиёев сингари машҳур ёзувчилар, А.Атаходжаев, Я.Тўрақулов, В.Воҳидов каби ЎзССР ФА академиклари, П.И.Абдувалиев, А.Искандаров, Х.Мақсудов, Р.Хусанов, С.Рахмонқулов, К.Бўронов, К.Тошхўжаев, Ғ.Тожиматов, И.Бекинов, Т.Ғойипов, Р.Отахонов, Р.Бегжанов, С.Усмонов, У.Юнусов, Н.Қулабдуллаев, Р.Ғойипов, М.Ирисметовдек олимлар етишиб чиққан. Бир сўз билан айтганда, қозоқ шоири Абай ўзбекни қанчалик хурматлаб тилга олган бўлса, Миртемир, Ойбек, Ғофур Ғулум, Носир Фозилов ва бошқалар қозоқ маърифатпарварлари билан ҳамдаму ҳамфикр бўлганлар.

Қозоғистондаги ўзбекларнинг республика бўйлаб жойлашувини ёритишда архив хужжатлари, ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари ҳамда дала тадқиқоти натижаларига таянилди.

1926 йилдаги аҳоли рўйхатида Қозоғистондаги умумий аҳоли сонига кўра, қозоқлар 57,1%, руслар 19,7%, украинлар 13,2% бўлса, ўзбеклар 3,3% ни ташкил этиб, сони жиҳатидан 4-ўринда турган.¹⁴ Шунингдек, Қозоғистон шаҳар аҳолисининг эса 10,8% ни ўзбеклар ташкил этган¹⁵.

Ўзбекларнинг кўпчилиги Сирдарё губерниясидаги шаҳарларда яшаган бўлиб, у ерда 37,5% ни ташкил қилган. Республиканинг бошқа худудларидаги шаҳарларда ўзбеклар озчилик бўлишган¹⁶.

Қозоғистонда 1933 йилги қурғоқчилик қозоқ халқи бошига катта талафот келтириб, республика аҳолисининг миллий таркибига сезиларли даражада таъсир этган. 1933 йилнинг кузидан бошлаб Қозоғистонда, айниқса, унинг марказий ва шимолий вилоятларида чорва моллари ем-хашаксиз қолиб, очликдан қирила бошлайди, аҳоли ўртасида очарчилик бошланади, очарчилик қаҳатчиликка айланади. Бунинг устига қиш қаттиқ келиб, атрофи дашту сахродан иборат овулларда яшовчи аҳоли оғир, ночор аҳволда қолишган. Омон қолганлар молларию бола-чақаларини етаклаб асосан Қозоғистоннинг жанубига, қисман жануби-шарқига қараб йўл олади.

¹³ Тадқиқотчига 2008 йил ноябрда М.Саидов билан бўлган учрашув маълумотлари асос бўлади.

¹⁴ Асылбеков Л.М., Галиев Б.А. Социально-демографические процессы в Казахстане (1917-1980). Алма-Ата: Гылым, 1991. - С.61.

¹⁵ Алексеенко Н.В. Населения дореволюционного Казахстана (1870-1914 гг). Алма-Ата. 1981. - С. 83.

¹⁶ Асылбеков Л.М., Галиев Б.А. Социально-демографические процессы в Казахстане (1917-1980). Алма-Ата: Гылым, 1991. - С.64.

Шимолий, Шимоли-Шарқий, Шимоли-Ғарбий ва Марказий Қозоғистон худудларининг, жумладан, Урал, Тўрғай, Гурьев, Оқтепа, Кустанай, Кўкчатов, Павлодар, Оқмулла, Қарағанда, Семипалатинск ва бошқа вилоятлар аҳолисининг йўлга чиққан бир қисми тарихан ўзбеклар яшаб келаётган Қизилўрда, Чимкент ва Авлиёта* вилоятларига келиб ўрнашган. Уларнинг яна бир қисми Тошкент вилоятига, шунингдек, Самарқанд ва Бухоро вилоятларига келиб ўрнашади, халқимиз иложсиз қолган қардошларимизни қишлоқларда ҳам, шаҳарларда ҳам мурувват кўрсатиб кутиб олади. Шу тариқа, Қозоғистоннинг Чимкент, Қизилўрда, Авлиёта вилоятларида, шунингдек, Ўзбекистон аҳолиси таркибида қозоқларнинг сони ошади*.

Аммо, шуни эслатиш керакки, бундан олдин ҳам ҳозирги Ўзбекистон худудида қозоқлар овул-овул бўлиб яшаган. Бироқ уларнинг қатлам бўлиб келишлари ўттизинчи йилларнинг биринчи ярмига тўғри келади¹⁷.

Колхозлаштириш сиёсати ва ўша машъум қаҳатчилик туфайли қозоқ халқининг сони деярли тенг ярмига озайган. Советлар тузумининг бундай ғайриинсоний сиёсатининг замирида яширин ғараз ётгани орадан йигирма йилча вақт ўтгач ошкор бўлган. 1953 йилда марказ томонидан кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш шиори ўртага ташланиб, Қозоғистоннинг биз юқорида тилга олган вилоятларига асосан славян халқлари: рус, украин, белорус аҳолиси олиб келиб ўрнаштирилади. Натижада 1939-1959 йилларда республика аҳолисининг миқдорида ўсиш кузатилади.

1959 йилда Қозоғистон аҳолиси умумий сонининг 30% ни қозоқлар, 42,7% ни руслар, 8,2% ни украинлар, 1,5% ни ўзбеклар (136 минг) ташкил этган. Бу 20 йил ичида ўзбеклар 33 мингга кўпайган¹⁸.

60-70 йиллар давомида эса аҳолининг этник таркибида кескин ўзгаришлар кузатилмаса-да, 80-йиллардан бошлаб Қозоғистонда русларнинг сони камайиб бориши натижасида, республикадаги ўзбеклар кўрсаткичи ошиб борган. 1989 йил Жанубий Қозоғистон вилоятида ўзбеклар республика аҳолисининг 15,63 % ни ташкил этган бўлса, 1999 йилда 16,79 %¹⁹, 2009 йилда 17,4 % бўлишган²⁰. Бундан шуни айтиш мумкинки, СССР парчалангач, вилоят таркибида ўзбеклар сон жиҳатидан қозоқлардан сўнг 2-ўринга кўтарилган.

Олмаота, Гурьев, Семипалатинск, Толдикўрғон, Тўрғай, Целиноград ва бошқа вилоятларда ўзбеклар яшаса-да, республиканинг жанубий вилоятларида улар ўз салмоғи билан ажралиб туради. Чунки миллий-худудий чегараланиш туфайли асрлар давомида шу ерда яшаган ўзбеклар Жанубий Қозоғистон ва Жамбул вилоятларида қолишган эди. Шунинг учун Жанубий

* Авлиёта вилояти 1997 йилдан бошлаб Жамбул вилояти деб юритилган.

* У пайтда ҳали Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятлари тузилмаган эди.

¹⁷ Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 272.

¹⁸ Асылбеков Л.М., Галиев Б.А. Социально-демографические процессы в Казахстане (1917-1980). Алма-Ата: Гылым, 1991. - С.126.

¹⁹ Итоги переписи населения 1999 года по Южно-Казахстанской области. Т.П. Алматы. 2001. - С. 45-51.

²⁰ Тадқиқотчига 2010 йил августда Жанубий Қозоғистон вилояти ўзбек миллий маданият марказидан олинган маълумотлар асос бўлади.

Қозоғистоннинг Чимкент, Туркистон, Кентов шаҳарларида, Тарозда, шунингдек, Сайрам, Пахтаорол, Тўлабий, Сарιοғоч, Тулкибош, Қазифурт туманларида ўзбеклар нисбатан зичроқ жойлашган. Шу боис тадқиқотимиз асосан республиканинг жанубий вилоятларида олиб борилди.

2000 йилдан сўнг меҳнат миграциясининг тарқалиши сабабли, этник ўзбеклар Қозоғистоннинг Остона ва Олмаота шаҳарлари, шунингдек Олмаота, Қарағанда, Мангистау, Қизилўрда вилоятида пайдо бўлади²¹.

Расмий маълумотларга кўра, Қозоғистонда ўзбеклар 1999 йил 370 минг 663 киши (аҳолининг 2,5%) ни, 2009 йил 457 минг 200 киши (аҳолининг 2,8%)ни²², 2010 йил Жанубий Қозоғистон вилоятида 425 минг 110 кишини, 2012 йил 493 минг 789 киши (аҳолининг 2,8%) ни, 2013 йил 511 минг киши (аҳолининг 3%) ни, 2014 йил 521 минг 252 киши (аҳолининг 3,04%) ни ташкил этади. Аммо олиб борилган тадқиқот натижасига таяниб, ҳозирда Қозоғистон Республикасидаги этник ўзбеклар сонини 800 минг атрофида дейишимиз мумкин²³.

«Қозоғистондаги ўзбекларда миллий таълим масаласи» биринчи бобнинг иккинчи бандида тадқиқ этилган. Ўзбек умумтаълим мактаблари ташкил этишнинг дастлабки қадамлари жуда қийинчиликлар билан амалга оширилган. Чунки, ўша вақтдаги шароит оғирлиги туфайли ўқув жараёнида бино, дарслик, дафтар ва бошқа етишмовчиликлар мавжуд бўлган. Бундан ташқари, миллий кадрларнинг етарлича эмаслиги ҳам ўзбек умумтаълим мактабларини ташкил этишни бирмунча қийинлаштирган.

Йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмида Чимкент уезида 118 та мактаб бўлиб, уларда 1 минг 600 нафар қозоқ, 2 минг 200 нафар европалик, 842 нафар ўзбек ўқувчилари таълим олган. Қозоқ мактабларининг сони ўзбек мактабларидан 5 марта кўп бўлишига қарамай, қозоқ ўқувчилари сони ўзбекларга нисбатан 2 марта кўп бўлган, холос. 1926-27 ўқув йилида Чимкент вилоятида 279 та мактаб бўлиб, уларда йигирма мингга яқин ўқувчи таълим-тарбия олган. Ўша пайтда Авлиёота уезида умумий аҳолининг 16% ўзбеклар ва уезддаги ўқув юртларининг 10% ўзбек мактабларидан иборат бўлган²⁴.

1927 йилда Чимкент уезидаги аҳолининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил этиб, Сайрамдаги бир йиллик, икки йиллик, уч йиллик, тўрт йиллик таълим берувчи мактабларни ҳам ҳисоблаганда 32 та ўзбек мактаблари бўлган²⁵.

1930 йилда Қозоғистондаги ўзбек мактаблари 3 минг 900 та алифбе китоби билан таъминланган²⁶. 1931 йилда саводдилар қозоқларда 37 %, рус, украинларда 64 %, ўзбекларда 40 %, уйғурларда 33 % бўлган²⁷.

²¹ <http://assemble.kz/ru/media-centr/smi-etnokulturnykh-obedineniy> (19.09.2019)

²² <http://en.m.wikipedia.org> (3.03. 2020)

²³ Тадқиқотчига 2008-2020 йиллар давомида Қозоғистон Республикасида олиб борган тадқиқотда тўпланган материаллар асос бўлади.

²⁴ Жанубий Қозоғистон вилояти давлат архиви. 93-жамғарма, 1-рўйхат, 81-иш, 19-варақ.

²⁵ Жанубий Қозоғистон вилояти давлат архиви. 233-жамғарма, 1-рўйхат, 595-иш, 45-варақ

²⁶ Культурное строительство в Казахстане (1918-1932гг). Сборник документов и материалов. Т.1. Алма-ата: Казахстан, 1965. - С.217.

1938-1939 йилларда Туркистон туманида 85 та мактаб фаолият юритиб, уларнинг 7 таси аралаш - рус-қозоқ мактаби, 51 таси соф қозоқ мактаби, 26 таси ўзбек мактаби, 1 таси рус мактаби бўлган²⁸.

Маданият ва маориф ишлари қийинчиликлар билан энди изга тушиб олганда, жаҳон уруши бошланиб, бу муҳим ишга ҳам катта зарар етказди. Аммо, шунга қарамасдан Туркистон ва Чимкент шаҳарларида болалар боғчалари ва бошланғич синфлар учун тарбиячи ҳамда ўқитувчилар тайёрлайдиган махсус курслар очилган. Кўп ўтмай аёллар билим юрти иш бошлайди²⁹.

Чимкент шаҳридаги ўзбек педагогика техникуми собиқ Иттифоқ даврида Қозоғистондаги ягона ўзбек билим юрти бўлган. 1932-1933 йилларда Чимкент вилоятида мактаб ёшидаги болалар 10 минг 536 нафарни, мактаб ёшигача бўлган болалар эса 14 минг 487 нафарни ташкил этади. Уларни ўқишга жалб этиш кўп миқдорда ўқитувчиларни талаб қилади. Мактабга 270 нафар ўқитувчи, мактабгача таълим муассасаларига 482 нафар ўқитувчилар зарур эди. Аммо мактабда 209 нафар миллий кадр бўлиб, уларнинг ҳам билим савияси паст бўлган. Мактабгача таълимнинг аҳволи ундан ҳам ёмон бўлиб, уларнинг сони саноклигина эди. Бу кадрлар Ўзбекистондаги қисқа курсларни битирувчилар ҳисобидан тўлдирилган. Шунинг учун Чимкентдаги 7 йиллик ўзбек мактаби негизида 1932 йилда мактаб ва мактабгача муассасалар учун педагогик кадрларни тайёрловчи педагогика билим юрти ташкил этилади³⁰. Мазкур педтехникум ҳам Авлиёотадаги ўзбек педтехникуми каби кадрларни малакасини ошириш учун Ўзбекистонга жўнатган³¹.

Урушдан кейин мактаблар фаолиятига, умуман, таълим соҳасига яна эътибор берилиб, муаммолар аста-секинлик билан бартараф этиб борилган.

Шу ўринда алоҳида айтиш керакки, Иттифоқ даврида Қозоғистондаги ўзбек кадрларининг малакасини оширишда ва мутахассис тайёрлашда ҳам Ўзбекистон олий даргоҳлари таянч вазифани ўтаган.

СССР тарқалиб кетгач, таълим соҳасида айрим муаммолар юзага келган. Жумладан, мустақил Қозоғистоннинг фақат Жанубий Қозоғистон вилоятида ўзбек мактаблари сони 142 та бўлган³². Улардан 70 таси соф ўзбек мактаби, 72 таси аралаш турдаги мактаблар бўлиб, уларда 8 минг 341 нафар ўқитувчи меҳнат қилган. Битирувчилар йилига 5 минг 500 нафарни ташкил этган³³. Уларнинг мавжуд муаммоларини ҳал этиш мақсадида Қозоғистондаги ўзбек мактабларида билингвал* таълим дастури татбиқ қилинмоқда. Бундан мақсад соф ўзбек мактаблари сонини, ундаги ўқувчилар контингентини сақлаб қолишдир. «Билингвал» ўзбек ўқувчиларини ягона

²⁷ Ўша асар. - С.108.

²⁸ Жанубий Қозоғистон вилояти давлат архиви. 121-жамғарма, 1-рўйхат, 1357-иш, 6-варақ.

²⁹ Мирхолдорев М. Чимкент тарихи. Чимкент. 1997 йил. - Б. 57.

³⁰ Жанубий Қозоғистон вилояти давлат архиви. 121-жамғарма, 1-рўйхат, 68-иш, 3-варақ.

³¹ Ўша жойда, 4-варақ.

³² Тадқиқотчига 2008 йил 28 ноябрда Қозоғистон ўзбек ёшлар иттифоқи раиси С.Турсунматов билан бўлган учрашувда олинган ёзма маълумотлар асос бўлади.

³³ Тадқиқотчига 2010 йил Чимкент ўзбек маданият марказидан олинган маълумотлар асос бўлади.

миллий тестда (ЯМТ) иштирок этишини таъминлаш учун тилнинг чегараланганлиги, олий ўқув юртларида грант ҳисобидан таълим олишни давом эттиришлари каби муаммоларни ҳал этишда қўл келувчи методлардан бири ҳисобланади. Унинг мазмун-моҳияти шундаки, ўзбек тилидаги мактабларда таълим соҳасидаги ислоҳ натижасида, ўқувчилар ўз она тилларида ўқитилиб, дарс давомида қозоқ ва рус тилларини қўллашади. Билингвал – бу бир фанни икки тилда тушунтириш ёки дарс ўтиш методидир. 2005-2006 ўқув йилидан ўзбек мактаблари мазкур метод асосида фаолият юритмоқда³⁴. Масалан, 2010 йилда Туркистоннинг Қарноқ қишлоғидаги ўзбек мактабида 67 битирувчидан 59 нафари давлат тили – қозоқ тилида, қолгани рус тилида ЯМТ топширишган³⁵. Бундан хулоса шуки, ўзбек мактаблари битирувчиларининг ҳам ЯМТ (ягона миллий тестда)да иштироки билингвал таълим билан таъминланмоқда.

1992 йилда этник ўзбеклардан бўлган Бахтиёр Юнусов мактаб битирувчиларининг олий таълимга эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Чимкент шаҳрида хусусий педагогика коллежини очган. Кўп ўтмасдан ушбу коллеж Шарқшунослик институтига ўзгартирилган. 2000 йилда эса у Жанубий Қозоғистон педагогика университети (ЖҚПУ) айлантирилган ва 2007 йилда «МДХдаги энг яхши муассаса» деб тан олинган³⁶. Университет вилоятдаги нуфузли олий ўқув юртларидан бири бўлган. Мазкур университетда ва Жанубий Қозоғистон давлат университетида ўзбек филологияси факультетлари ташкил этилган.

Кадрларга бўлган эҳтиёжларни тўла қондириш мақсадида 2001 йил Чимкентда Қозоқ – Ўзбек муҳандислик – гуманитар университети очилган. Қозоқ – Ўзбек муҳандислик – гуманитар университети ўзбек мактаблари битирувчиларига тестни ўзбек тилида топширишга имконият берадиган республикада ягона олий ўқув юрти ҳисобланган. Агар Қизилўрда ва Тарозни кўшганда Қозғистонда 125 та соф ўзбек мактаби бор эканлигини инобатга олсак, бу мактаб битирувчилари учун она тилида ўқишга талаб қанчалар катталигини англаш мумкин.

Университетда Туркистон бўлими, 9 факультет, 17 кафедра, 2 «Ваколатхона» мавжуд бўлиб, таълим 24 мутахассислик бўйича қозоқ, ўзбек, рус тилларида берилган. Сайрам тумани маркази Оксувкентдаги «Педагогика» факультетида 3000 талаба, Туркистон бўлимида эса 1800 талаба билим олган бўлса, уларнинг 60-70 фоизи ўзбеклардан иборат бўлган. Университет раҳбарияти Сайрам ва Туркистонда қозоқ – ўзбек коллежини очишни режалаштирган. Бунда уч йил коллежда ўқиб битирганлар ўқишни давом эттиришни хоҳласа, университетга имтиҳонсиз қабул қилиниб, уни қисқартирилган дастур бўйича 2-3 йилда битиришган³⁷.

* Билингвал таълим – бу миллий тилни сақлаб қолган ҳолда давлат тилида таълим олиш дегани.

³⁴ Мусаева М. Билингвал таълим – мактаб амалиётида // Жанубий Қозоғистон. 2010. 8-июнь, - Б. 9

³⁵ Икром Ақром ўғли. Билингвал-Қарноқда // Жанубий Қозоғистон. 2010. 9 - август, – Б. 6.

³⁶ Тадқиқотчига 2008 йил декабрда Бахтиёр Юнусов билан бўлган учрашув материаллари асос бўлади.

³⁷ Алимбекова З. Икки халққа тааллуқли университет // Жанубий Қозоғистон. 29.12.2004.

«Қозоғистондаги ўзбек олимларининг фан ривожига қўшган хиссаси» деб номланган иккинчи бобнинг биринчи параграфиди «Қозоғистондаги тиббиёт соҳаси тараққиётида ўзбек олимларининг хизмати»га эътибор қаратилган. Қозоғистондаги тиббиёт ривожиди республикада яшайдиган ўзбекларнинг улуши салмоқли бўлган. Гиёҳшунос табиб Ў.Ирискулов³⁸ псориаз, шол, инфаркт, бепуштлик, саратон каби касалликларни даволаб, халқ орасида ҳурмат қозонган бўлса, академик О.Тошпулатов³⁹ Қозоғистонда юрак пластик операцияси асосчиси эканлиги билан машҳурдир. Кардиохирург М.Туленов⁴⁰ ўзининг илмий фаолияти давомида юрак ички фаолияти устида изланишлар олиб бориб, поликлиника шароитида туғма юрак касаллиги (порок)ни даволашни тажрибадан ўтказиб, уни муваффақиятли яқунлаган. М.Туленовнинг туғма юрак касаллигини даволашдаги тадқиқот натижалари Қозоғистонда кенг татбиқ этилган. Нейрохирург Р.Отахонов⁴¹ эса нерв толалари, бош ва орқа миёда микрохирургик операцияларни ўтказиш усулларини мукамал ишлаб чиқиб, республикада микрохирургик нейрохирургияга асос солган.

Н.Шоназаров эса ўтказган кўплаб ўз илмий тажрибалари натижасида жаҳон онкологлари қаторидан жой олган. Олиб борилган изланишларда шу нарса аниқландики, А.Анорбоев Жанубий Қозоғистон вилоят соғлиқни сақлаш департаментида юқумли касалликлар бўйича бош шифокор бўлиб, у бруцеллез (одамга хайвондан ўтадиган юқумли касалликлар)ни даволаш учун Республикада ягона бўлган махсус бўлим ташкил этган. Бундан ташқари, реанимация ва интенсив терапия бўлимларини ташкил қилиб, унда ташхис қўйилган касалликларни даволашда замонавий усулларни қўллаган. Жанубий Қозоғистон давлат Медицина Академияси ва Халқаро Қозоғистон университети тиббиёт факультетида унинг раҳбарлигида юқумли касалликлар кафедраси очилган. И. Юнусметов ошқозон-ичак тракти, кўкрак ости органлари ва кичик тоз касалланиш ҳолларида даволаш операцияларининг янгича усулларини жорий этган. Қозоғистонда биринчилардан бўлиб, пешоб йўли, йўғон ичак, қизилўнғач раки, қовуғ шишиши ҳолларида сонияли – тезкор операцияларни самарали йўлга қўйган. И.Юнусметов Қозоғистонда қизилўнғач ракини кимёвий нурлар усули ёрдамида даволаш асосчиси дир⁴². С.Шерметов суяк ва бўғим сил касаллигининг келиб чиқиши ва уни даволаш усулларига доир, А.Музрапов юқумли ва тез тарқаладиган касалликлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган. Ў.Эргашев эса Жанубий Қозоғистон вилоятида нефрологик хизмат асосчиларидан бири бўлган. Ю.Эргашев, О.Юнусова, М.Нортоева, О.Ирисметов, А.Ниёзкулов, Э.Баратова, О.Дуржонбоев, Р.Юнусов,

³⁸ Ирискулов У.Х. Неизлечимых болезней не бывает! Чимкент. 2007. - С.158

³⁹ Иброҳим Туркий. Истиқлол ёғдуси. Чимкент. 2006. - Б. 28.

⁴⁰ Ҳамроқулова Ш. Ш. Қозоғистондаги ўзбекларнинг республика фан ва маданияти ривожига қўшган хиссаси (1925-2005 йй). Монография. Тошкент: Янги нашр, 2015. - Б. 62.

⁴¹ Тадқиқотчига 2008 йил декабрда Жанубий Қозоғистон вилояти ўзбек маданият маркази раиси И.Ҳошимжоновдан олинган маълумотлар асос бўлади.

⁴² Тадқиқотчига 2011 йил августда С. Турсунметов билан учрашувда олинган маълумотлар асос бўлади.

Г.Қосимовалар ҳам тиббиётнинг турли тармоқларида самарали меҳнат қилган.

«Ижтимоий – гуманитар фанлар ривожига республикадаги ўзбек олимларининг иштироки»да биргина тарих соҳасига эътибор қаратилса, Саййид Маҳмудхон Тарозий ўзининг илмий ва ижодий фаолияти туфайли илм аҳли орасида муҳим ўрин эгаллаган. Ҳозирга қадар «Олтинхон» Тўранинг 20 га яқин асари аниқланган бўлиб, «Таборақ», «Ёсин», «Аъмма» сураларини ҳамда Қуръонни биринчи марта ўзбек тилига таржима қилган. Шу билан бирга, шоир сифатида ҳам ижодий фаолият билан шуғулланиб, ўзбек, араб, форс ва урду тилларида бир қатор шеърлар ёзган. Эътиборли томони шундаки, олимнинг илмий ва таржима ишларининг номлари арабча бўлса ҳам барчаси ўзбек тилида ёзилган⁴³. Ўз умрини исломшунослик ривожига бағишлаган Қозоғистондаги этник ўзбеклардан яна бири «Олтинхон» Тўранинг ҳамюрти Саййид Мубашширхон Муҳаммадхон Тўра Тарозий⁴⁴ бўлиб, ҳар икки олим ҳам совет зулмигаю, унинг таъқибларига қарамасдан ўзларининг илмий-исломий ва ижодий фаолиятлари туфайли нафақат Қозоғистон, балки жаҳон исломшунослиги ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган.

Қозоғистон тарихини ўрганишга умрини бағишлаган тарихчилардан бири Мираҳмад Мирхолдоров бўлиб, у «Юсуф Сарёмий», «Аҳмад Яссавий бобо шажараси», «Аҳмад Яссавий ота маконида», «Сайрамликларнинг маросимлари ва лапарлари», «Қорабура авлиё», «Сайрам тарихи», «Чимкент тарихи», «Ҳожа Аҳмад юртида» китоблари орқали кўҳна Сайрам ва Чимкент тарихини ёритиб берган. 1992 йил Сайрам музейининг ташкил этилишида ҳам унинг хизмати беқиёс бўлган. Сайрам музейида ўзбек халқининг урф-одатлари бўлими ташкил этилиб, унда ўзбек халқининг тарихи ва маданияти билан бирга республикадаги ўзбеклар орасидан етишиб чиққан Иккинчи жаҳон уруши Қаҳрамонлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, маданият ходимлари ҳамда олимларнинг суратлари ўрин олган⁴⁵. Тарихчи Д. Атабоев Қозоғистоннинг 1941-1945 йиллардаги тарихини ёритишда ўз илмий тадқиқотлари билан хизмат қилган⁴⁶.

Б.Юнусов эса Жанубий Қозоғистон педагогика университетида асос солиб, Қозоғистонда педагогика ривожига ўз улушини қўшган бўлса, М.Саидов бир қатор дарсликлар ёзиб, ўзбек мактабларида қозоқ тилини ўқитиш дастурини ишлаб чиққан. Шунингдек, М.Ортиқов, Н.Алметов, К.Исмоилова, Ў.Ирметов, Д.Ғойибовлар ҳам педагогика ривожига йўлида ўз илмий тадқиқотларини олиб боришган.

Психология фанида бир қанча самарали натижаларга эришгани ва соҳа ривожига ҳиссаси учун А.Муҳаммаджонов нафақат Қозоғистон, балки Халқаро психология фанлари Академиясининг хизмат кўрсатган психолог-педагоги унвони ҳамда қатор медаллар билан тақдирланган.

⁴³ Ҳашимов М. Религиозные и духовные памятники Центральной Азии. Сага. 2001. - С.161.

⁴⁴ Ўша асар. -С.160.

⁴⁵ Тадқиқотчига 2008, 2010, 2019 йилларда Сайрам музейида олинган видеолар асос бўлади.

⁴⁶ Тадқиқотчига 2010 йилда тарихчи Д.Атабаевдан олинган материаллар асос бўлади.

«Қорабулоқ тонги» бадий асарининг муаллифи Р.Бегалиев М.Авезов номидаги Чимкент давлат университетиде «Ўзбек филологияси», «Бошланғич синф таълими» бўлимларини, 1998 йил Оқсувкентда Дўстлик университети бўлимини ташкил этиб, миллий таълим ривожини йўлида хизмат қилган. У.Мусаева Малака ошириш институтида ишлаб, ўша ерда лотин алифбосини ва эски ўзбек ёзувидан курслар ташкил этган.

«Ўзбек олимларининг табиий ва аниқ фанлар таракқиётида тутган ўрни»га назар ташлайдиган бўлсак, К.Абдуваҳобов, М.Ирисметовлар фармацевтикада, А.Юнусов ҳамда С.Алимовлар кимё соҳасида илмий изланишлар олиб бориб самарали натижаларга эришганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, М.Ирисметов табиий ҳолда ўсадиган қизилмия (яъни ширинмия) ўсимлигини илдизидан юқори даражали биологик фаол компонентлар ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқади. Ундан шифобахш ичимликлар, атир-упа, озиқ-овқат, препаратлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди⁴⁷.

М.Ирисметов томонидан яллиғланишга қарши, ярага қарши спазмолитик, бактерисидли, склерозга қарши, иссиқ туширадиган, адаптигенли, гепатопротекторли, шишга қарши, аллергияга қарши ҳамда иммунни рағбатлантириш таъсирига эга янги, экологик зарарсиз, юксак самарали препаратларни аниқлаш ва яратиш юзасидан жуда катта ишлар бажарилган. Қозоғистонда ишлаб чиқарилган дастлабки дори (яллиғланишга қарши юксак самарали) «Глидеринин» фитопрепарати ва унинг асосида 1 ва 2% ли глидеринин упасини этник ўзбек М.П.Ирисметов томонидан яратилганлигини диққатга сазовордир⁴⁸.

Профессор М.Ирисметов технологиясини асосида қизилмия илдизини негизиде «Биосластин» деб номланган кудратли озиқ-овқат биоқўшимчасини яратилган. Ундан шифоли «Денсаулик» парҳез нонини ишлаб чиқарилган. «Биосластин» препарати негизиде кашф этилган яна бир янгилик - «Рувимин» дорисини яратилган. У гепатит хасталигини даволашда ва шамоллаш, шишлар, эшитиш аъзолари, юрак-қон томир хасталиқларига чалинган беморларни даволашда кенг қўлланилади⁴⁹.

